

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.12.2019. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ОБИД ЭШМАХМАТОВИЧ ТАНГИРОВ**

**ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ “ЭСКИ  
ШАҲАР” МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 94(575.1-25):35(043.3)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation**

**Обид Эшмахматович Тангиров**

XIX аср охири XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” маъмурий  
бошқаруви ва ижтимоий ҳолати .....3

**Обид Эшмахматович Тангиров**

Административное управление и социальное положение «старого города»  
Ташкента в конце XIX начале XX века .....24

**Obid Eshmaxmatovich Tangirov**

The admistrativ management and social position of “old city” in Tashkent in the  
late 19<sup>th</sup> and the early 20<sup>th</sup> centuries .....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 02/30.12.2019. TAR.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ОБИД ЭШМАХМАТОВИЧ ТАНГИРОВ**

**ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ “ЭСКИ  
ШАҲАР” МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tar33 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нодира Раҳмоновна Маҳкамова**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Доно Ҳамидовна Зияева**  
тарих фанлари доктори, профессор  
**Ўқтамбек Абдулганиевич Султонов**  
тарих фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc. 02/30.12.2019. TAR.56.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти. 2-қават. Мажлислар зали). Тел.: (+998) 71-233-54-70; факс: (+998) 71-233-39-91, [www.fati.uz](http://www.fati.uz); ЎзР ФА Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида таъришиш мумкин ( \_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (+998) 71-262-74-58; факс: (+998) 71-262-34-41.

Диссертация автореферати 2021 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

Зчс



**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

**М. Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий  
котиби, т.ф.н.

**Н. А. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (Докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларида давлатчилик тизимининг ривожланиш тарихи марказий шаҳарларда шаклланган маъмурий ва ижтимоий бошқарув тажрибалари билан чамбарчас боғлиқ бўлмоқда. Халқаро савдо йўли чорраҳаларида жойлашган йирик шаҳарларда жамиятни назорат қилиш ва тартибга солиш масалаларининг ҳал этилиши натижасида аҳоли ижтимоий ҳаётида сиёсий тузилмаларнинг роли ортиб бормоқда. Ўрта Осиёдаги асрлар давомида ривожланиб келган давлат ва жамият механизмларининг такомиллашувида минтақадаги стратегик марказ ҳисобланган Тошкент шаҳрининг бошқарув анъаналари муҳим ўрин тутмоқда.

Жаҳоннинг илмий-тадқиқот марказларида олиб борилаётган изла-нишларда мустамлака ҳукмронлиги шароитида шаҳарларнинг маъмурий бошқарилиши, бошқарув ишларига маҳаллий аҳоли вакилларининг жалб этилиши ва мустамлака аҳолининг ижтимоий ҳаёти ҳамда турмуш-тарзи, ҳуқуқий ҳаётидаги ўзгаришлар каби масалалар кенг тадқиқ этилмоқда. Шу жиҳатдан XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” қисмининг Россия империяси ҳукумати томонидан бошқарилишидаги муаммолар, маҳаллий мансабдорларнинг бошқарувдаги ўрни, мустамлака даврда рўй берган ижтимоий масалалар, ислом дини эътиқодига асосланган шарият ҳуқуқ тизими билан империя ҳукуматининг қонунчилиги остида аҳоли ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётининг тартибга солиниши каби масалаларни тадқиқ этиш бугунги кун илм-фани олдида турган долзарб масала ҳисобланади.

Республикада сўнгги йилларда Тошкент шаҳри тарихини ўрганиш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Чунки “Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш”<sup>1</sup> бугунги кун учун муҳим вазифалардан биридир. Шу маънода XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг “эски шаҳар” маъмурий бошқаруви ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳолати масалалари тарихини атрофлича тадқиқ этиш мустамлака даврда рўй берган маҳаллий аҳолининг ҳаёти билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларга ойдинлик киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 сентябрдаги ПФ-3260-сон “Тошкент шаҳрида “эски шаҳар” туризм зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги 563-сон “Тошкент шаҳрининг эски

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти President.uz. 20 май 2020 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 20 май куни “Адиблар хиёбонида” ташкил этилган “Тошкент музейи”ни очиб бериш учун ташрифидаги нутқи.

шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришга инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуни тадқиқ этишда XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагига оид манбалар муҳим асос бўлиб хизмат қилган бўлса, тадқиқотни ўрганиш нуқтаи-назаридан *империя мустамлакачилиги даври адабиётлари, совет даври адабиётлари, мустақиллик даври адабиётлари, хорижий тадқиқот ишларига ажратиб тавсифлаш мумкин.*

XIX аср охири – XX аср бошлари Тошкент шаҳри тарихи тўғрисида рус тадқиқотчилари томонидан қатор изланишлар олиб борилган<sup>2</sup>. Совет даврида XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи, мустамлака тизими тўғрисида қатор тадқиқотлар яратилган<sup>3</sup>. Улардаги умумий хусусият XX асрнинг 20–30 йилларидаги тадқиқотларда мустамлака даврга кўпроқ объектив ёндашилганлиги, XX асрнинг 40–50 йилларидан кейинги изланишларда эса турли тарихий манбалар асосида империя даври чуқурроқ ўрганилган бўлсада, аммо баъзи тадқиқотларда мафкуравий таъсир остида Россия

<sup>2</sup> Вошинин В. Очерки нового Туркестана. Свет и тени колонизации. – СПб., 1914; Гейер И.И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903; Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912; Крафт И.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. – Оренбург, 1898; Луговский И. Ташкент 50 лет тому назад и теперь. – Ташкент, 1914; Пропащих А.Г. Генерал-адъютант Константин Петрович фон-Кауфман. – Ташкент, 1913 // Туркестанский сборник. Т. 548; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. – Ташкент, 1910.

<sup>3</sup> Абдуллаев Й. Эски мактабда хат савод ўргатиш. – Тошкент: “Ўрта ва олий мактаб”, 1960; Бакиров Ф. Россия Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967; Бартольд В.В. Истории культурной жизни Туркестана. / Сочинения. Т. 2. – М.: Восточной литературы, 1963. – С. 167-433; Ваҳабов М. Тошкент уч революция даврида. – Тошкент, 1958; Зияев Ҳ. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. – Тошкент: Фан, 1967; Икрамов О. Политические судебные процессы в Туркестане 1900-1917 гг. – Ташкент, 1989; Котляр П., Вайс М. Туркистонда маҳаллий идораларга ва давлат думасига сайловлар қандай ўтказилган эди? – Тошкент: Ўздавнашр, 1947; Кравец Л. Исмоилова Ж. Тошкент Ўрта Осиёнинг революцион ҳаракат маркази. – Тошкент: Фан, 1983; Маллицкий Н.Г. Ташкентский маҳалля и мауза. – Ташкент, 1927; Мулладжанов И.Р. Население Ташкента. – Тошкент, 1983; Озадаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX аср иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тарихи. – Тошкент: Ўзфанакадамнашр, 1961; Орипов Ф. Тошкент тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1987; Рўзиева М. Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Тошкент: Фан, 1984; Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). – М., 1921; Содиқова Н., Буяков Ю. Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Тошкент: Фан, 1965; Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент: Узбекистан, 1965; Чеботарева В.Г. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1968; Чехович О.Д. Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. // История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976; Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида. – Тошкент, 1983; Шораҳимов Ш. Тошкент тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1983; Шораҳимов Ш., Рўзиева М. Тошкент дарвозалари // Фан ва турмуш. – 1982. – № 9. – Б. 4-5; Юнусхўжаева М., Мирисмоилова У. Тошкент тарихига оид ҳужжатлар. – Тошкент: Фан, 1983; Юсупов Э. Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги куни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983; Қораев С. Тошкент топонимлари. – Тошкент: Фан, 1991.

империясининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигига нисбатан ноҳолис таҳлиллар ҳам кўзга ташланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихни холисона, ҳаққоний ўрганиш, ўтмишни сохталаштиришга йўл қўймаслик тарихчи олимлар ва тадқиқотчилар олдига муҳим масала қилиб қўйилди. Жумладан, мустамлакачиликнинг туб моҳиятлари чуқур ўрганилиб, Россия империяси ҳукмронлиги даври тарихи хусусан, Тошкент шаҳри тарихи ҳақида турли манбалар асосида қатор изланишлар олиб борилди ва илмий асосга эга қатор тадқиқотлар яратилди<sup>4</sup>. Бундай тадқиқотлар натижасида мавзу юзасидан объектив ёндашувлар ва илмий таҳлилларга бой асарлар вужудга кела бошлади.

Хорижлик муаллифлардан А. Халид, Ж. Саҳадео, Д. Арапов, С. Бейкер, П.Ж. Гейнс, Д. Робертс, Э. Олварс, Д. Бровер, П. Сартори кабиларнинг

---

<sup>4</sup> Абдурахимова Н. Эргашев Ф. Туркистонда Россия мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002; Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи. – Тошкент: ART FLEX, 2009; Аҳмедова М. Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари: Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2010; Бекмирзаев И., Мирзасев Н. Ислонда қозилик маҳкамалари. – Тошкент: “Qadus Media”, 2019; Бўриева Х. Тошкент шаҳрининг тарихий топонимикаси (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: “Ноширлик ёғдуси”, 2009; Воҳидов Ш. XIX – XX асрнинг бошларида Қўқон тарихнавислигининг ривожланиши: Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998; Голендер Б.А. Мои господа ташкентцы. – Ташкент, 2007; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар. – Тошкент: Шарқ, 1998; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006; Зиёев Ҳ. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. – Тошкент: “Мехнат”, 2008; Зияева Д. Ўзбекистон шаҳарлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Янги нашр, 2017; Исмоилова Ж. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004; Котюкова Т. Туркестанское направление думской политике России (1905-1917). – М., 2008; Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2007; Мухаммадкаримов А. Тошкентнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009; Пулатов Х.Ш. Архитектурно-планировочная структура Старого Ташкента (конец XIX – начало XX века): Дисс. ... канд. арх. наук. – Ташкент, 1994; Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар (тузувчилар Ф. Каримов, П. Сартори, Ш. Зиёдов). – Тошкент: Ўзбекистон, 2009; Содиқов Ҳ. XX аср бошида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиқлол учун кураш: Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994; Солиҳбек додхоҳ (тузувчилар О. Бўриев, Н. Убайдуллабек ўғли). – Тошкент: Фан, 2006; Султонов Ў.А. Мухаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошкент” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009; Султонов Ў.А. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010; Султонов Ў.А. Тошкент масжидлари тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010; Колониал Туркистонда қозилар дафтари: Тошкент, 1887 / Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Аминов, Ў. Султонов. – Тошкент, 2016; Султонов Ў.А. XIX асрда Тошкент мадрасаларининг ҳолати // Ўзбекистон тарихи. – 2005. – № 3. – Б. 64-72; Султонов Ў.А. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида Тошкент дарвозалари тўғрисидаги маълумотлар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2006. – № 3. – Б. 70-77; Султонов Ў.А. Тошкент Қўқон хонлиги таркибида // Ўзбекистон тарихи. – 2007. – № 2. – Б. 57-67; Султонов Ў.А. Тошкент қадамжойлари ва мазорлари // Имом Бухорий сабоқлари. – 2007. – № 2. – Б. 101-105; Султонов Ў. Тошкент Қўқон хонлиги таркибида (“Тарихи жадидаи Тошканд” ва “Хулосат ул-аҳвол” асарларидаги маълумотлар таҳлили) // Ўзбекистон тарихи. – 2007. – № 2. – Б. 57-67. Султонов Ў.А. Тошкент шаҳри масжидлари фаолияти хусусида (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Шарқшунослик. – 2009. – № 19. – Б. 123-134; Султонов Ў.А. Қўқалдош мадрасасининг қадимий вақфномаси ва унинг асосчиси хусусида // Имом Бухорий сабоқлари. – 2012. – № 2. – Б. 134-136; Тошкент маҳаллари: анъаналар ва замонавийлик. – Тошкент, 2002; Турсунова Р.Ю. Городское самоуправление в Туркестане (1877-1918): Дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 2000; Туркистонда тиббиёт: анъана ва инновациялар (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Б. Шадманова. – Тошкент: Akademnashr, 2019; Шарипова М. Тошкентнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004; Шодмонова С. Тошкент XIX аср охири – XX аср бошларида // Мозийдан садо. – 2008. – № 1. – Б. 35; Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. (1870-1917). – Тошкент: YANGLI NASHR, 2011; Юнусова Х. Тошкентда 1892 йилги халқ кўзғолони. – Тошкент, 1998; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 4-жилд. / Масъул муҳаррир проф. Д. Зияева. – Тошкент: Navro‘z, 2014; Ўзбекистонда интеллектуал мерос тарихига оид манбалар (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018; Қулдашев М. Туркистон ўлкаси ҳуқуқининг манбалари (1864-1917). – Самарқанд, 2007.

изланишлари асосида<sup>5</sup> мавзу доирасида, хусусан Тошкент шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар ва таҳлиллар акс этган тадқиқотлар яратилди.

Мавзу юзасидан манбалар ва тарихшунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобида кенгроқ кўриб чиқилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра №Ф1-ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқарув тизимининг ташкил этилиши ва шаҳар аҳолисининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида юз берган жараёнларни таҳлил қилиш ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империяси мустамлака шароитида Тошкент “эски шаҳар” қисми маъмурий бошқарув тизими ва ижтимоий ҳолатини ўрганиш;

Тошкент “эски шаҳар” ҳудудида Россия империяси мустамлака сиёсати шакллантирган маҳаллий бошқарув тизими ва сайлов масалаларини тадқиқ этиш;

суд-ҳуқуқ тизимидаги анъаналар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар ва уларга маҳаллий аҳолининг муносабатини таҳлил қилиш;

архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар асосида империя ҳукмронлиги даврида масжидлар, мадрасалар ва маҳаллий мактаблар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш;

Тошкент “эски шаҳар” ҳудуди ва ҳўжалиги, аҳолининг этник таркиби ва ўсиш суръати, шаҳарда жамоат транспортининг шаклланиши, аҳолининг сув таъминоти, тиббий хизмат, санитар ҳолатидаги ўзгаришларни ёритиш;

маҳаллий аҳолининг мустамлака маъмуриятига арз-шикоятлари асосида маҳаллий аҳоли ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш;

---

<sup>5</sup> Michael Rywkin. Russian in Central Asia. – New York, 1963; David Mackenzie. Kaufman of Turkistan: An Assessment of his administration 1867-1881. – Slavic review, 1967; Edward Allwarth. Central Asia 130 years of Russian Dominance: A historical overview. – London, 1994; Adeeb Khalid. Printing, Publishing, and Reform in Tsarist Central Asia // International Journal of Middle East Studies, Vol. 26, No. 2 (May, 1994) – Cambridge. – P. 187-200; Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – Los Angeles: University of California press, 1998; Арапов Д.Ю. Ислам в Российской империи. – Москва, 2001; Paul Georg Geiss. Pre-Tsarist and tsarist Central Asia. – London, 2003; Brower Daniel. Turkestan and the fate of Russian empire. – London, 2003; Seymour Becker. Russian’s Protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva, 1865-1924. – London, 2004; Robert D. Crews. For Prophet and Tsar. – London, 2006; Sahadeo J. Russian Colonial society in Tashkent, 1865-1923. – Bloomington, 2007; Morrison A.S. Russian Rule In Samarkand 1868-1910. – New York, 2008; Sartori P. The Birth of a Custom: Nomads, Sharīa Courts and Established Practices in the Tashkent Province, ca. 1868-1919 // Islamic Law and Society 2011.18/3-4: L. 293-326; Sartori P., Shahar I. Legal Pluralism in Muslim-Majority Colonies: Mapping the Terrain // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 2012, № 55. – L. 637-663.

Ўрганилаётган мавзу юзасидан тегишли тартибда хулоса чиқариш ва илмий-амалий аҳамият касб этган тавсиялар беришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг объекти** этиб XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Тошкент “эски шаҳар” қисми маъмурий бошқаруви, ижтимоий-ҳуқуқий ҳолат белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқаруви, ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, маҳаллий лавозимларга сайлов жараёнлари, “эски шаҳар” ҳудуди ва аҳолиси, “эски шаҳар”да ижтимоий инфратузилма, диний муассасалар, маҳаллий аҳолининг империя ҳукуматига мурожаатларида аҳолининг турмуш тарзи ва ҳаёти масалалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот иши жараёнида тизимли-қиёсий, муаммовий-тақвимий, миқдорий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Тошкент “эски шаҳар” қисмида империя ўрнатган тартибга кўра, фаолият олиб борган оқсоқол бошқарув ишларини ташкил этишда миршаб ва йигит лавозимларига таянганлиги, бунда йигитларнинг даҳалар бўйича сони ва маошини оқсоқол тавсияси асосида шаҳар бошлиғи тасдиқлаб берганлиги аниқланган;

1878 йил ҳанафий мазҳабига оид фикҳ китобларига асосланиб, Тошкент шаҳар қозилар кенгаши қарори билан оч, ташна, бемор, ғазабда, юрган ҳолда, отда, уйқуси келиб турган ҳолатларда ҳукм чиқармаслиги, қозихоналарнинг тергов ишлари ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида олиб борилганлиги ва қолган қисмида ҳукмлар эълон қилинганлиги далилланган;

одат судлари шариат билан бирга урфларга асосланганлиги, маҳаллий аҳолининг қозилик ва одат судларига эътиқод билан, империя судларига эса ўз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашганлиги асослаб берилган;

мадраса таълимида фанларни таснифлашда нақлий, яъни нақл қилиб ёзилган илмлар ва ақлий, яъни инсон тафаккури таъсири остида ривожлантириладиган илмлар асосидаги туркумларга ажратиб ўқитилганлиги исботланган;

империя ҳукумати халқнинг заиф жиҳатларини ўрганиш учун маҳаллий аҳолининг турли масалаларда арз-шикоятлар билан мурожаатлар қилишига шароит яратиб, ўзларининг манфаатларига мос мустамлакача бошқарув тартибларини жорий этганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида Тошкент “эски шаҳар” ҳудудида Россия империяси мустамлака сиёсати шакллантирган маҳаллий маъмурий бошқарув тизими ва сайлов масалаларини, суд-ҳуқуқ тизими, масжидлар, мадрасалар, маҳаллий анъанавий мактаблар тарихи ўрганилиб илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” тарихига доир архив ҳужжатларида келган турли тарихий шахсларнинг ижтимоий-

сиёсий ва ҳуқуқий-маданий соҳалардаги турли тарихий шахслар ва маълумотлар тизимлаштирилиб илмий-назарий хулосалар берилган;

“эски шаҳар” аҳолисининг империя ҳукуматига мурожаатлари асосида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, ижтимоий-маданий ва ҳуқуқий ҳаёти тўғрисида кенг қамровли маълумотлар тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланганлиги, кўплаб илмий адабиётлардан, давр тарихини акс эттирувчи архив ҳужжатлари, матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, бирламчи манбаларга асосланиб хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақдим этилган тизимли маълумотлар XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” ҳудудида маъмурий бошқарув механизмларини, ижтимоий-ҳуқуқий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни чуқур ва холис ўрганишга хизмат қилиб, империя даврида Туркистон тарихини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишларни ривожлантириш ва бу борада янги назарий-услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли архив ҳужжатлари ва илмий хулосаларидан Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ислом цивилизацияси маркази музейи ҳамда нодир ҳужжатлар сақланадиган турли кутубхоналар жамғармаларини бойитишда, шаҳар маданияти ва тарихий обидаларини ўрганадиган муассасалар ҳамда масжидлар ва турли ислом ўқув юртлари фаолиятини такомиллаштиришда шунингдек, мутахассис тингловчилар ва талабалар учун махсус курс, семинар, тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқарув ва ижтимоий ҳолати тадқиқот иши давомида олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқаруви ва тартиб интизом ҳамда кўриқлаш хизматида оқсоқол, миршаб ва йигит лавозимлари, маҳаллий ҳуқуқ тизими, диний муассасаларнинг бошқарилиши юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг “XVI – XIX асрларда Ўзбекистон” ва “XIX – XX асрларда Ўзбекистон” бўлимлари кўргазмаларини бойитишда фойдаланилган (Ўз ФАнинг 2019 йил 27 ноябрдаги 3/1255-3123-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши музейга ташриф буюрувчи томошабинларда давр тарихи тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил бўлиши ҳамда тарихий билимларини янада ошириш имконини берган;

Тошкент шаҳрида мавжуд диний муассасаларнинг бошқарилиши, жумладан, масжидлар, мадрасалар фаолияти, уларнинг жамиятдаги ўрни, масжид имомлари, мадраса мутавалли ва мударрисларнинг вазифалари асосида берилган хулосалардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси

тасарруфидаги ўрта махсус ислом билим юрти таълими ва диний кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалаларида фойдаланилди (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 29 июндаги 1390-сон маълумотномаси). Диний таълим муассасалари учун “Ўзбекистон тарихи” фани ўқув дастурларини тайёрлашда олинган натижалар муҳим асос бўлиб хизмат қилган;

Тошкент шаҳридаги мадрасалар фаолияти, таълим тизимида фанларнинг ақлий ва нақлий илмларга таснифлаб ўқитилиши, мадрасаларнинг жамиятда тутган ўрни ва тарихи бўйича илмий натижаларидан ҳамда улар асосида илгари сурилган илмий-назарий фикрлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Мозийдан садо” номли кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди (“O‘zbekiston” телеканали ДУКнинг 2019 йил 26 октябрдаги 01-40-2240/1-сон маълумотномаси). Кўрсатувда кўтарилган илмий мулоҳазалар томошабинларнинг Тошкент маданий мероси, анъанавий таълим тизими тарихи тўғрисида янги маълумотларни эгаллашларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, 1 та халқаро илмий-оммабоп журналда мақола эълон қилинган ва битта “XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг маҳаллий ўқув муассасалари тарихи” деб номланган рисола чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланиб, унда XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқаруви ва ижтимоий ҳолати

тарихини ўрганишдаги манбалар, мустамлака ва совет даврида яратилган мавзуга доир асарлар, мустақиллик йилларида олиб борилган изланишлар, хорижий тадқиқотчиларнинг мавзу юзасидан яратган асарлари гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Мавзунинг манбавий асослари”* деб номланиб, унда аввало мавзуни ўрганишда асос бўлган Ўзбекистон Миллий архивидаги мавзуга доир жамғармалар, даврий матбуот, кейин XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ҳарбий зобитлар ва хорижий сайёҳларнинг эсдаликлари ҳамда маҳаллий тарихчиларнинг Тошкент тарихи ақс эттирилган асарлари манба сифатида таҳлил қилинган.

Тадқиқотни олиб боришда Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган *“Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси”* деб номланган И-36 жамғармасидаги ҳужжатлар, *“Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси”* (1867-1917) деб номланган И-1 жамғармаси ва *“Тошкент қозикалони”* (1891-1901) деб номланган И-164 жамғармасидаги ҳужжатларидан фойдаланилди. Айниқса, *“Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси”* деб номланган жамғармадаги Тошкент оқсоқолининг буйруқлари, қозилар фаолияти, оқсоқол ва қозиликка сайлов, мадрасалар, масжидлар фаолияти, *“эски шаҳар”*даги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи ва хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ақс этган ҳужжатлар, шаҳар аҳолисининг империя маъмуриятига турли масалалардаги арз-шикоятлари каби масалалар чуқурроқ таҳлил қилинган.

Мустамлакачилик даври манбалари сифатида П.И. Пашино, А. Хорошхин, Н. Маев, М.А. Терентьев, Н.С. Ликошин, О. Керенский, В. Наливкин, Н. Остроумовларнинг ишлари талқин этилди. О. Шкапскийнинг ишида маҳаллий ярим ўтроқ аҳоли аёлларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ақс эттириб берилган бўлиб, унда Тошкент шаҳар аҳолиси ҳаётидан мисоллар келтирилган. Н. Остроумовнинг *“Сарты”* асарида Тошкент аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётига тегишли қизиқарли маълумотлар ва мулоҳазалар ўрин олган. М.А. Терентьевнинг харитасида шаҳарнинг ҳудуди тасвирланган. Сенатор К.К. Пален 1908–1909 йиллардаги тафтиш ҳисоботлари шаҳар тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Хорижлик сайёҳ Ю. Скайлернинг XIX аср 70-йилларида ўлка бўйлаб саёҳат кундалигида Тошкент шаҳрининг табиатини гоҳ Нью-Йоркка гоҳ Денверга ўхшатади. У *“эски шаҳар”* аҳолисининг турмуш тарзи, яшаш шароити билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар берган. Ҳенри Ланделлнинг саёҳати асосида яратилган эсдаликларида Тошкент *“эски шаҳар”* ҳудудидаги ижтимоий-тарихий ҳолатига қисқача тўхталиб ўтган.

Маҳаллий муаллифлар орасида Тошкент шаҳрининг XIX аср охирлари тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиҳхўжанинг *“Тарихи жадидаи Тошканд”* асари, Абу Убайдулло Тошкандийнинг *“Хулосат ул-аҳвол”* асари, Мирзо Олим Маҳдумхўжанинг *“Тарихи Туркистон”*, Муҳаммад Юнус шиғовул Тойиб Тошкандийнинг *“Тарихи Алиқули амирлашкар”*, Аваз Муҳаммад Атторнинг *“Тарихи жаҳонномаи”* асарлари, мавзуни қиёсий ўрганишда Исҳоқхон Ибротнинг *“Тарихи Фарғона”* асари кабилар муҳим манбалардир.

Маҳаллий муаллифлар орасида Тошкент шаҳрининг XIX аср охири тарихини ўрганишда Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари алоҳида қийматга эга манбадир<sup>6</sup>. Диссертацияда асарнинг Ў. Султонов томонидан амалга оширган тадқиқотидан фойдаланилди<sup>7</sup>. Унга кўра “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида шаҳарнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, мадрасалар ва масжидлар фаолияти тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган. Абу Убайдулло Тошкандийнинг “Хулосат ул-аҳвол” асарида хонлик даврида Тошкент шаҳрида ижтимоий-сиёсий аҳвол ва шаҳарнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ҳақида қизиқарли тафсилотлар берилган<sup>8</sup>.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “*Мавзунинг тарихшунослик таҳлили*” деб номланиб, унда мустамлака даври, совет даври, мустақиллик даврида ва хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида вужудга келган асарлар атрофлича таҳлил қилинган. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳри тарихи, хусусан, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи тўғрисидаги тадқиқотлар муаллифларнинг изланишлари асосида яратилганлиги билан ажралиб туради. Булар орасида аҳолиси ҳунармандчилиги тарихи тўғрисида И. Гейер ва И. Назаровларнинг рисоласи, Тошкент шаҳрининг тарихи тўғрисидаги А. Добросмисловнинг асари мавзунини ўрганишдаги муҳим тадқиқотлардан ҳисобланади. Н.И. Крафт, Н. Фиолетов кабиларнинг изланишлари орқали шаҳарда суд-ҳуқуқ тизими тўғрисида, И.К. Луговский, В. Вошинин кабиларнинг изланишлари асосида шаҳарнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тарихи фактик маълумотлар билан асослаб берилган. Совет даврида яратилган тадқиқотлар таҳлил қилинганда XX асрнинг 20-30 йилларидаги изланишларда империя даврининг мустамлакача сиёсатига объектив баҳо берилган бўлса, XX асрнинг 40-50 йилларидан кейинги тадқиқотларда ўрганилаётган даврда маҳаллий аҳолининг “аянчли” ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини кўрсатиб, империя мустамлакачилиги маҳаллий аҳоли ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирганига эътибор қаратилади. 1954 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мустамлакачилик давридаги тараққиёти” масалаларига бағишланган илмий конференцияда Россия империяси ҳукмронлиги даврининг миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири етарли даражада тадқиқ этилмаган, деган хулосаларга келингач<sup>9</sup>, империя ҳукумати мустамлакачилигини ёқловчи тадқиқотлар вужудга кела бошлади. Хусусан, Россия империяси томонидан Тошкент шаҳрининг босиб олинishi маҳаллий аҳолининг “ўз хоҳиши билан империя таркибига кирган” деб,

<sup>6</sup> Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзФА ШИ, ҳужжат рақамлари: №11072, 11073.

<sup>7</sup> Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

<sup>8</sup> Воҳидов Ш. XIX – XX асрнинг бошларида Кўкон тарихнавислигининг ривожланиши: Тарих фан.док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 176-177.

<sup>9</sup> Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент, 1955. – С. 5.

тарихни бузиб талқин қилиш бошланди. Совет даврининг дастлабки йилларида яратилган ишлардан шарқшунос В. Бартольднинг Туркистон маданияти тарихига бағишланган асарида шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, Россия мустамлакаси остидаги Тошкентнинг маҳаллий аҳолиси яшайдиган қисмида халқ учун “янги шаҳар”дагига нисбатан имконият ва шароитлар чекланганлиги, барча эътибор шаҳар аҳолисининг камчилигини ташкил этадиган янги шаҳарга қаратилганлиги каби масалалар келтириб ўтилган<sup>10</sup>. Бу борада Г. Сафаровнинг тадқиқотида Тошкентнинг иккала қисми ўртасидаги тафовутларга эътибор қаратилиб, рус ва бошқа миллат вакиллариининг шаҳар бўйлаб жойлашувидаги империянинг мустамлакачилик хусусиятлари очиб берилган<sup>11</sup>.

Империя даврида Туркистонда турли вазифаларда ишлаган Н.Г. Маллицкийнинг “Тошкент маҳалла ва мавзелари” рисоласи асосан, 1907 йилда муаллифнинг маҳаллий маъмурият вакилидан олган маълумотларига таяниб яратилгани учун ҳам унда аниқ хулосалар берилган ҳамда шаҳарнинг маҳалла ва мавзелари маҳаллий халқ атаган номда ёритилган. Н.Г. Маллицкий Туркистондаги “маҳалла” деган тушунча ҳақида гапирар экан, уни аҳолининг доимий яшаш жойи, мавзелар эса ёз фаслида маълум вақт истиқомат қиладиган, шаҳардан ташқаридаги турар жой ҳисобланади,<sup>12</sup> дейди.

XX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб олиб борилган тадқиқотларда ўрганилаётган давр тарихи тўғрисида ноҳолис ёндашувлар шакллана бошлаган бўлсада, мавзу юзасидан қизиқарли маълумотлар ва мулоҳазалар илгари сурилган. Жумладан, ўрганилаётган даврда сайлов масаласида П. Котляр ва М. Вайснинг ишларида, шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий масалалари М. Ваҳобовнинг тадқиқотларида ёритилган.

Тошкентнинг XIX аср II ярми тарихи Ф. Озадаевнинг “Тошкент тарихидан очерклар” асарида кенг ўрганилган. Асарда Тошкентнинг XIX аср II ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маданият, ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар тўғрисида мавзу юзасидан қизиқарли тафсилотлар ва таҳлиллар ўрин олган.

Ю. Соколовнинг шаҳар тарихига бағишланган асарида XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳар тарихи Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарига таяниб ёритган. Н. Содиқова, Ю. Буряков, Ҳ. Зияев, Ф. Бакиров, Ш. Шораҳимов ва М. Рўзиева, Л. Кравец ва Ж. Исмоилова, Э. Юсупов, М. Юнусхўжаева ва У. Мирисмоилова, М. Рўзиева, И. Муллажонов кабилар архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ва бошқа манбаларга суяниб ўрганилаётган давр тарихи бўйича шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид салмоқли тадқиқотлар яратдилар.

А. Ўринбоев, О. Бўриевларнинг “Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида” асарида Муҳаммад Солиххўжанинг тарихий маълумотларига таяниб Тошкент

<sup>10</sup> Бартольд В.В. Истории культурной жизни Туркестана / Сочинения. Том 2. – М., 1963. – С. 167-433.

<sup>11</sup> Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). – Москва, 1921.

<sup>12</sup> Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. – Тошкент, 1927. – Б. 4-5.

шаҳрининг XIX аср охирларидаги тарихи ёритиб берилган. Шунингдек, В. Чеботарева, Ф. Орипов, О. Икрамов кабиларнинг тадқиқотларида шаҳар тарихи умумий ҳолати ўрганилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихни холисона, ҳаққоний ўрганиш, ўтмишни сохталаштиришга йўл қўймаслик долзарб масалалардан бирига айланди. Мавзу юзасидан қатор тадқиқотлар яратилди. Ҳ. Содиқов, Н. Абдураҳимова ва Ф. Эргашев кабилар Россия империясининг мустамлака сиёсий бошқаруви, ҳуқуқ тизими каби масалаларни турли манбалар орқали тадқиқ қилдилар. Тарихчи олим Ҳ. Зиёевнинг асарларида Тошкент шаҳрида Россия империясининг босқинчилиги ва мустамлака ҳукмронлигига қарши халқнинг озодлик учун кўзғолонлари, ўлкада империянинг олиб борган мустамлака сиёсати каби масалалар манбалар асосида ёритиб берилган. Х. Юнусова Тошкентда 1892 йилги халқ кўзғолонини ўрганган бўлса, Р. Турсунова шаҳарни ўзини-ўзи идора қилиш тарихини, Х. Пўлатов тадқиқотида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаҳардаги меъморий ўзгаришларга эътибор қаратса, Х. Бўриева Тошкент шаҳри топонимикасини тадқиқ қилади. Ж. Исмоилова Тошкентнинг “янги шаҳар” қисмини атрофлича ўрганади. Д. Зиёеванинг изланишларида айнан Тошкент “эски шаҳар” қисми тарихи, С. Шодмонованинг тадқиқотларида даврий матбуот материалларига суяниб кўпроқ шаҳарнинг санитар ва тиббий ҳолати ўрганилган. Мустақиллик йилларида мавзу доирасида Д.А. Алимова ва М.И. Филанович шаҳар тарихини турли фактлар билан умумий ёритган бўлса, Ў. Султонов “Тарихи жадидаи Тошканд” асарини турли манбалар билан қиёслаб ўрганган бўлса, “Тошкент масжидлари тарихи” асари ва бошқа бир қатор илмий мақолаларида шаҳарнинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи борасида қизиқарли фактик маълумотлар келтириб ўтади. Шунингдек, О. Бўриев, Б. Голендер, Т. Котюкова, М. Қулдашев, А. Муҳаммадкаримов, А. Муҳаммаджонов, М. Шарипова, И. Бекмирзаев, Н. Мирзаев кабиларнинг изланишларида шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий тарихи, ҳуқуқ тизими, шаҳарнинг ҳудудий тузилиши билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритилган.

Тошкент шаҳрининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихи ҳақида А. Халид, Ж. Саҳадео, Д. Арапов, С. Бейкер, П.Ж. Гейнс, Д. Робертс, Э. Олварс, Д. Бровер, П. Сартори каби хорижлик тадқиқотчиларнинг изланишларида ҳам кўриш мумкин. Булар орасида Ж. Саҳадео архив ҳужжатлари ва манбалардан унумли фойдаланиб шаҳар тарихини алоҳида ўрганган. Умуман, хорижлик тадқиқотчиларнинг изланишларида мавзу доирасида умумий маълумотлар акс эттирилган бўлсада, кўтарилган масалаларга эркин ёндашув ва қарашларни кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Тошкент “эски шаҳар” маъмурий бошқарув тизими**” деб номланган иккинчи бобида Россия империяси Тошкент шаҳрини босиб олгандан кейин маҳаллий аҳоли яшайдиган “эски шаҳар” қисмида маъмурий идора масалалари, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар, маҳаллий лавозимларга сайлов тизимининг жорий этилиши кабилар ёритиб

берилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Тошкентнинг “эски шаҳар” қисми бўйича маъмурий идора масалалари” деб номланиб, унда Тошкент шаҳрида империя ҳокимияти, маҳкаманинг ташкил этилиши, маҳаллий бошқарув анъаналаридан империянинг фойдалангани, оқсоқол, элликбоши, йигит, миршаб каби лавозимлар ва уларнинг функционал вазифалари, шаҳар думаси, даҳалар ва улар орқали маҳаллалар назорати кабилар тадқиқ этилган.

Империя ҳукумати маҳаллий аҳолини назоратга олиш учун шаҳарнинг нуфузли кишилари жумладан, уламолар, қозилар, оқсоқоллар, мулкдорлар ва бошқалардан унумли фойдаланди. Уларга агар империя ҳукуматига қаршилиги бўлмаса, кенг имкониятлар ва шароитлар яратиб берди. Ҳатто қозилик судларини расман тан олди. Маҳаллий амалдорларга аҳолидан йиғиладиган йиғимлар эвазига маошлар бериладиган тартиб жорий қилди<sup>13</sup>. Маҳаллий амалдорларга сайлов тизими 1868 йилдан бошлаб амалга оширилган бўлсада, аммо империя ҳукумати ўзлари хоҳлаган кишиларни бу вазифага сайланишига эришган<sup>14</sup>. Оқсоқол лавозимида фаолият олиб боровчилар асосан 40-50 ёшлардаги халқ эътиборидаги кишилар бўлганлар. 1892 йил “Вабо исёни”дан кейин империя ҳукумати шаҳарда назоратни янада кучайтирди. Маҳаллий “йигит”, “миршаб” каби вазифаларга бош қилиб рус ҳарбийларидан тайинлади<sup>15</sup>. Қўзғолон империянинг ўлкада юритган мустамлакачилигига қарши қаратилган. Архив маълумотларида келтирилишича, ҳукумат қарори билан шаҳарда ўндан ортиқ қабристонларга майит кўмиш 1892 йил 1-май кунидан тақиқланади. Бу қабристонлар даҳалар бўйича қўйидагича бўлган: Шайхонтоҳур даҳасида: 1. Кўчак ота 2. Кўктўнли ота. Себзор даҳасида: 1. Бобомурод барчи ота 2. Хўжа хон 3. Кўктўнли ота 4. Азизларшайх ота. Кўкча даҳасида: 1. Ҳайтон ота 2. Муҳаммад шайх ота 3. Чилла. Бешёғоч даҳасида: 1. Мир Пўстин ота 2. Хўжа Сафроз ота 3. Кичкинаҳон эшон<sup>16</sup>. Айни мана шу чеклов “вабо исёни”нинг асосий сабабларидан бири деб айтиш мумкин. Шаҳарда тартиб-интизом ва қўриқлаш хизмати “қоравул”, “йигит”, “миршаб” каби вазифадорлар зиммасига юкланган. Улар шаҳар ёки даҳа оқсоқолига бўйсуниб, ойлик маошлар белгиланган. XIX асрнинг 60-70 йилларида 10-12 сўм маош олган йигитларнинг ойлик маошлари<sup>17</sup> кейинги йилларда кўпайиб борган. Жумладан, 1891 йилги маълумотларда келтирилишича, отлик йигит ойига 20 сўм, йилига 240 сўм маош олган бўлса, пиёда йигит ойига 15 сўм, йилига 180 сўм маош олишган<sup>18</sup>. XX асрнинг бошларида уларнинг маошлари 20-25 сўмгача кўтарилган.

Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. Кауфман Тошкент шаҳар маҳаллий аҳолиси билан 1868 йил январь ойидаги учрашувида хонлик давридаги турли солиқларни бекор қилиб хирож, таноб, закотларнигина

<sup>13</sup> Себзор даҳаси оқсоқоли ва қозилигига сайлов // Туркистон вилоятининг газети. 1905. № 12. – Б. 3.

<sup>14</sup> ЎзМА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 6016-иш, 9-варақ.

<sup>15</sup> ЎзМА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 4981-иш, 32-варақ.

<sup>16</sup> ЎзМА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 3312-иш, 19-20 варақлар.

<sup>17</sup> Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем. – Ташкент, 1912. – С. 100.

<sup>18</sup> ЎзМА, И-36- жамғарма, 1-рўйхат, 3306-иш, 12-варақ.

сақлаб қолишлигини маълум қилади<sup>19</sup>. Маълумотларга кўра, хонлик даврида 32 хил солиқ ундирилган экан<sup>20</sup>. Сақланиб қолдирилган учта солиқ тури шунчаки одамлар томонидан ўйлаб топилган йиғимлар бўлмасдан, ислом шариати асосида тартибга солинган. Жумладан, закот бу исломнинг беш арконидан бири бўлиб, уни бажариш фарз ҳисобланади. Шунинг учун ислом дини қоидаларини асосий дастуруламал қилиб олган давлат закот беришга имконияти етган фуқароларнинг пулини олиш ва бериш мумкин фуқароларга етказишни муҳим вазифа деб билган ҳамда буларнинг ҳаммаси ҳам давлат хазинасига олинмаган. Хирож ҳосил ҳисобидан олинган. Ҳосилдан олинмайдиган, балки ер ўлчови асосида олинадиган солиқ тури таноб деб аталган. Яъни, ер таноблаб ўлчангани учун шундай номланган. Империя ҳукуматининг маъмурий бошқарувдаги солиқ сиёсати барча аҳолига бирдек маъқул келмади ва бу борада аҳоли томонидан арз-шикоятлар архив ҳужжатларида сақланиб қолган<sup>21</sup>. Бундай шикоятлар шаҳарда империя ўрнатган солиқ тизимидаги янги тартибларида ноҳақликлар бўлганлигини кўрсатади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Эски шаҳар*” суд-ҳуқуқ тизимида *анъаналар ва ўзгаришлар*” деб номланиб, унда шариат ва одат ҳуқуқи, империя судларининг кириб келиши, аҳолининг ҳуқуқий плюрализм шароитида улардан ўз манфаатларида фойдаланиши каби масалалар ўрин олган.

Хонлик даврида қозиликка талабгор Қўқондаги қозикалон, шайхулислом ва бошқа диний уламолар жам бўлиб имтиҳон қилгач, хон фармони билан вазифасига тайинланган. Бу борада Муҳаммад Азиз Марғинонийнинг “Тарихи Азизий” асарига таяниб келтирилган маълумотда кўрсатиб ўтилган<sup>22</sup>. Фақат 1864 йили Қўқон хони Султон Саййидхон ўз аёнлари билан Тошкентга келиб шаҳарга қозикалон сифатида Ҳакимхўжа эшонни тайинлайди<sup>23</sup>. 1868 йилдан бошлаб шаҳар қозиларини сайлаш тизими жорий этилди<sup>24</sup>. Империя қонунчилиги бўйича қозиларнинг ўзлари якка тартибда 100 сўмгача бўлган аҳолидан тушадиган масалаларни кўриб чиқиши мумкинлиги белгиланди. Ундан ортиқ қийматга эга катта масалалар тўртта даҳа қозилари кенгаши (съезди) томонидан ҳал этиладиган бўлди<sup>25</sup>. Қози қўйидаги ҳолларда ҳукм чиқариши мумкин бўлмаган: 1) Ғазблик бўлиб турган ҳолда; 2) Очлик ҳолда; 3) Ташналик ҳолда; 4) Уйқуси келиб турган ҳолда; 5) Бир ери оғриб турган ҳолда; 6) Отга миниб турган ҳолда; 7) Юриб

<sup>19</sup> Пропаших А.Г. Генерал-адъютант Константин Петрович фон-Кауфман // Туркестанский сборник, Т. 548. – Ташкент. – С. 24.

<sup>20</sup> Аҳмедова М. Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва ҳуқуқ манбалари: Юридик фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 111.

<sup>21</sup> ЎзМА., И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 36-иш, 1-варақ.

<sup>22</sup> Юсупов Ш. Сиз бу кишини танийсизми?// Ҳидоят, 1999. – № 2. – Б. 29.

<sup>23</sup> Тошкент шаҳрина улуғ хурматлик қозикалони Саййид Муҳаммад Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғиллари аҳволлари хусусида / Туркистон вилоятининг газети. 1990. № 46. – Б. 1-2.

<sup>24</sup> ЎзМА., И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 2707-иш, 17-варақ.

<sup>25</sup> Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Народное суды Туркестанского края. – СПб., 1909. – С. 7.

бораётган ҳолда<sup>26</sup>. Демак, шариат қоидаларига кўра, қозилар руҳан ва жисмонан соғлом ҳолатидагина маълум масала устида ҳукм чиқарган.

Одат ҳуқуқида ҳам шариат қоидалари муҳим ўрин тутган. Чунки кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ислом динини қабул қилгач, одатларнинг шариатга зид бўлмаган жиҳатлари сақланиб қолган. Улар ўртасида баъзи масалаларда фарқларни кузатиш мумкин. Масалан, одат судларида жинойтларга жазо қўллашда, фақат бийнинг ҳукми билан дарраланса жазоланувчи тикка турган ҳолда дарраланган, шариат ҳукмига кўра жазони ўтаётганда ётган ҳолда дарраланган<sup>27</sup>. Империя судларининг аҳоли орасида мавқеини ошириш учун ҳукумат турли чораларни қўллаган. Халқ судлари ҳукмидан нарози бўлган империя судларига мурожаат қилиб, ўзларининг манфаатларига мос ҳукмларни излашларига имкониятнинг яратилиши бунга мисолдир.

*“Тошкент шаҳрида маҳаллий лавозимларга сайлов тизими”* деб номланган иккинчи бобнинг учинчи параграфида империя ҳукумати даврида оқсоқол, қози ва бошқа маҳаллий вазифаларга сайлов тизимининг жорий этилиши ҳамда элликбошининг функционал вазифалари тадқиқ этилган. Маҳаллий амалдорлар яъни оқсоқол, қози, ариқ оқсоқоли каби вазифаларга сайлов тизими, қайсидир маънода халқ ҳокимиятини намоён этсада, аслида сайлов тизими империя ҳукуматининг маҳаллий маъмурий бошқарув ишлари устидан ҳукмронлигининг мустаҳкам ўрнашиб олишига имкон берди. Улар халқнинг *“ҳоҳиши шу”* деган тушунчани сингдириб, ўзларининг манфаатларига мос номзодларни сайланишига ҳаракат қилсада, сайланганлар орасида халқ дардини ўйлайдиган оқсоқоллар ва қозилар етарли даражада эди. Маҳаллий амалдорларни элликбошилар сайлаган<sup>28</sup>. Элликбошилар маҳалладан тахминан элликтача ва унлан кўп хонадонлардан сайланган вакил бўлиб, аҳолининг зиёли, нуфузли кишиларидан ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тошкент “эски шаҳар” аҳолиси ижтимоий ҳаёти масалалари”** деб номланиб, ушбу бобда *“эски шаҳар”* ҳудуди, аҳолиси, тиббий хизмат, санитар ҳолат, маҳаллий таълим тизими, масжид ва мадрасалар фаолияти, шунингдек, маҳаллий аҳолининг ҳукуматга мурожаатларида ижтимоий муаммоларнинг акс этиши каби масалалар ўрганилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи *“Тошкент “эски шаҳар” қисмининг ҳудуди, аҳолиси ва ижтимоий инфратузилма ҳолати”* деб номланиб, унда шаҳарни ўраб турувчи ўн иккита дарвозалари, Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳалари, *“эски шаҳар”* аҳолиси, замонавий тиббий хизмат, жамоат транспорти ва санитар ҳолатнинг йўлга қўйилиши каби масалалар ўрганилган. Шаҳарда 1868 йил 11518 та уй, 1869 йилга келиб уйлар сони 14222 тага етган бўлса<sup>29</sup>, 1912 йили Тошкент шаҳри 176 квадрат

<sup>26</sup> ЎзМА, И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 1656-иш, 14-варақ.

<sup>27</sup> Загряжский Г. Юридический обычай киргизы // Туркестанский сборник. Т. 122. – СПб., 1876. – С. 166.

<sup>28</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда Россия мустамлака тизими. – Тошкент: Академия, 2002. – Б. 55.

<sup>29</sup> Добросмыслов А. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912. – С. 79.

